

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.F.01.05 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**НАЗАРҚОСИМОВ САРВАР ИНАТИЛЛАЕВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОЙ СОҲА ДИНАМИКАСИ**

**22.00.03 –Ижтимоий онг ва ижтимоий жараёнлар социологияси**

**СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2018**

**Социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации  
доктора философии (PhD) по социологическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the  
Doctor of Philosophy (PhD) on Sociological Sciences**

**Назарқосимов Сарвар Инатиллаевич**

Ўзбекистонда ижтимоий соҳа динамикаси.....3

**Назарқосимов Сарвар Инатиллаевич**

Динамика социальной сферы в Узбекистане .....25

**Nazarkosimov Sarvar Inatillaevich**

Dynamics of social sphere in Uzbekistan.....47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....51

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.F.01.05 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**НАЗАРҚОСИМОВ САРВАР ИНАТИЛЛАЕВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ИЖТИМОЙ СОҲА ДИНАМИКАСИ**

**22.00.03 –Ижтимоий онг ва ижтимоий жараёнлар социологияси**

**СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2018**

**Социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Sots6 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетидеда бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.fs-ik.uz](http://www.fs-ik.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Холбеков Абдуғани Жуманазарович**  
социология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Бекмуродов Мансур Бобомуродович**  
социология фанлари доктори, профессор

**Қодиров Анвар Қаҳхарович**  
фалсафа фанлар доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Самарқанд давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.F.01.05 рақамли Илмий кенгашининг 2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5-қават, 511-хона. Тел.: (99871) 246-02-24, факс: (99871) 246-02-24, e-mail: [nauka@nuu.uz](mailto:nauka@nuu.uz)).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 246-02-24; факс: (99871) 246-02-24.)

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги № \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**И.Р.Хўжамуродов,**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, фалсафа  
фанлари доктори, профессор

**Н.Б.Абдуллаева,**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш котиби,  
фалсафа фанлари доктори

**Т.Б.Матибаев,**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш ҳузуридаги  
илмий семинар раиси,  
социология фанлари доктори

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бутун жаҳонда ижтимоий ҳаётнинг чуқур трансформациялашуви фуқаролар эҳтиёжларининг ўсиб бориши, турли ижтимоий институтлар (оила, таълим, оммавий ахборот воситалари ва б.) фаолиятидаги туб ўзгаришлар натижасида юз бермоқда. Шу маънода ижтимоий соҳа тузилмавий жиҳатдан мураккаб сектор сифатида инсон омилини барқарор юзага чиқариши билан ифодаланади. Бинобарин, мазкур соҳага оид концепциялар ва парадигмаларни таҳлил қилиш, унинг функционал омилларини таснифлаш, динамик ўзгаришларини социологик прогнозлашга бўлган зарурат долзарб аҳамият касб этмоқда.

Глобал интеграциялашув жараёнида жамият ижтимоий соҳаси ривожланиши хусусиятларини тадқиқ этишга доир илмий изланишларда соҳа динамикаси механизмлари ва интегрatív омилларига катта эътибор берилмоқда. Хусусан, ижтимоий соҳа модернизациясига кўмаклашувчи инновацион ёндашув ва дастурлар ишлаб чиқилмоқда. Мазкур глобал ўзгаришлар жамият ижтимоий соҳасининг ҳозирги босқичида унинг кўп қиррали трансформациясини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш, илмий ҳулосаларни шакллантириш вазифаларини кун тартибига қўймоқда.

Ўзбекистонда жамият ижтимоий соҳасини ривожлантиришнинг конституциявий ва ҳуқуқий асослари яратилганига қарамай, сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналарига келиб тушаётган мурожаатлар таҳлили бу соҳада зарур ислоҳотлар зарурлигини кўрсатди. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони<sup>1</sup>да ижтимоий соҳани ривожлантириш асосий йўналиш сифатида белгиланиб, ғоят муҳим бўлган мазкур соҳани тубдан ислоҳ қилиш йўлида самарали ижтимоий сиёсат юритишга устувор даражада аҳамият қаратилди. Инсон ҳуқуқ ва манфаатларини амалга ошириш, сифатли турмуш даражасини таъминлаш, «Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун», «Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак» деган тамойилларни реалликка айлантириш асосий мақсаддир<sup>2</sup>. Шу боис мазкур йўналишнинг энг самарали илмий ечимларини топиш мамлакатимиз ижтимоий ҳаётининг фаол ўзгаришларини таъминлаш, бу соҳадаги ислоҳотларни чуқурлаштириш, юз бериши мумкин бўлган жараёнларни прогнозлаш жамиятшунос олимлар ҳамда социологларнинг муҳим вазифасига айланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясидаги нутқи. 2017 йил 19 сентябрь. <http://www.president.uz/ru/lists/1063>.

Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 5 июлдаги «Ёшларга оид давлат сиёсатини самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги» ПФ-5106-сон, «Ёшлар – келажагимиз» Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисидаги» Фармонлари ва мавзуга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Ушбу тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг 1.«Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш»нинг устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жамият ижтимоий соҳасининг вужудга келиши, тарихий жараённинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий-маънавий омиллари, шунингдек ўзаро муносабатларга киришувчи социал субъектлар орасидаги алоқадорликларнинг ўзига хос тизими сифатида намоён бўлиши доимо ўрганиб келинган. Ўзида социал гуруҳлар ва индивидларнинг ҳаётий фаолиятини таъминлаб берувчи барча шарт-шароит ва омиллар мажмуаси бўлган ижтимоий соҳа муаммолари турли даврлар ва халқлар мутафаккирлари изланишларининг объекти бўлиб келган.

Инсонларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини таъминлаш йўлидаги муаммолар ва уларни бартараф этиш чора-тадбирлари «Авесто»да ҳам ўзига хос тарзда ифодаланган. Унда, асосан, Ўрта Осиё, Эрон, Озарбайжон халқларининг исломгача даврдаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, диний қарашлари, олам тўғрисидаги тасаввурлари, урф-одатлари, маънавий маданияти ўз ифодасини топган. Бу мавзуга билвосита алоқадор асарлар Афлотун, Арасту, Шарқда эса Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино каби файласуф олимлар томонидан ёзилган.

XX аср бошларида яшаб ўтган Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитрат ва бошқа шу каби маърифатпарварларнинг асарларида жамият ижтимоий соҳаси тараққиётига салбий таъсир кўрсатувчи муаммолар хусусида алоҳида тўхталиб ўтилган.

Ижтимоий соҳани жамият мавжудлигининг ўзига хос феномени сифатида тушунишда турлича қарашлар мавжуд. Бунда баҳс-мунозараларнинг асосий сабаби ижтимоий соҳани жамиятнинг бош бўғини сифатида ва бошқа соҳаларини у билан ёнма-ён олиб қараш билан боғлиқдир. Ғарб давлатларида ижтимоий соҳани ривожлантиришга доир концепциялар М.Вебер, Э.Берджесс, М.Кастельс, Д.Харви, Ф.Нойманн каби олимлар томонидан ишлаб чиқилган. Уларнинг асарлари ижтимоий соҳа динамикаси тадқиқи учун методологик асос бўлиб хизмат қилди. «Ижтимоий соҳа» тушунчасини фундаментал тушунча сифатида ажратиб кўрсатиш жамият ҳақидаги билимларни янада ривожлантириш эҳтиёжини кучайтирди.

Дарҳақиқат, бу тушунча реал воқеликдаги энг муҳим алоқадорлик ва боғланишларни ифодалайди, унинг ортида бир бутун ижтимоий макон ривожига ётади. Айнан шу сабабдан ҳам мазкур категория илмий адабиётларда жамиятда юз бераётган жараён ва муносабатларни ҳаракатга келтирувчи восита сифатида ўз тасдиғини топди.

Хорижлик олимлар тадқиқотларида ижтимоий соҳа ва унинг динамикаси кўплаб социологик парадигмалар: чизикли парадигма (О.Конт, М.Вебер, Ф.Тейлор, Г.Форд, Г.Спенсер, Т.Гоббс ва б.), органик ёки организмик парадигма (Г.Лебон, А.Файоль, Э.Гуссерль, А.Шюц, Т.Парсонс, В.Парето, Н. Смелзер, А.Тойнби, Э.Гидденс, Н.Луман, Дж. Форрестер, В.Ядов, С.Караганов в.б), системали парадигма (Ф.Фукуяма, Э.Тоффлер, П.Друкер, У.Бек, Г.Хакен, К.Поппер, А.Богданов, Л.Гумилев, Н.Кондратьев, П.Сорокин, В.Садовский, С.Курдюмов, Г.Малинецкий, В.Романов, В.Тарасенко, С.Белановский, В.Иноземцев ва б.)лар асосида таҳлил этилади.

МДХ мамлакатлари олимларидан М.Н.Руткевич, В.З.Роговин, С.И.Барзилов, Б.В.Князев, Н.И.Дряхлов, В.И.Добренёв, В.Я.Нечаева, С.Д.Шавел, В.И.Жуков, В.Н.Ковалев, О.А.Урж ижтимоий соҳани ижтимоий ҳаётнинг бош соҳаларидан бири сифатида асослаб берганлар. Бу яшаш даражаси ва сифатини белгилаб берувчи соҳаларнинг мажмуаси деб изоҳлайдилар, унинг таркибига ҳизмат кўрсатиш, таълим, маданият, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, коммунал ҳизмат, жамоат транспорти, алоқа каби соҳаларни киритадилар.

Ижтимоий соҳанинг ядроси, ўзагини нима ташкил этиши масаласи мамлакатимиздаги илмий изланишларнинг нисбатан янги йўналиши ҳисобланади. Фикримизча, ижтимоий соҳанинг субстанционал асоси реал социал воқеликдаги жараёнларда иштирок этаётган субъектлар ўртасидаги социал муносабатларни бошқариб турувчи кенг миқёсли фаолият деб билиш ўринли маъно касб этади.

Албатта, ижтимоий соҳа жамият ҳаётининг мураккаб ҳодисаси ҳисобланиб, унинг ўзига хос тузилиш, шаклланиш ва ривожланиш қонуниятларига эга тадқиқот объекти эканлиги тан олинади. Шу жиҳатдан Н.Алиқориев, А.Бегматов, М.Бекмуродов, А.Холбеков, М.Ганиева, Н.Жўраев, Р.Убайдуллаева, С.Отамуротов, К.Калонов ва бошқа олимларнинг тадқиқотлари диққатга сазовор<sup>3</sup>.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университетининг инвестиция лойиҳалари илмий тадқиқот ишлари режаси доирасида «Ўзбекистонда маънавий-маърифатчилик сиёсатини ривожлантириш ва такомиллаштириш» (2014-2015, №1 И-1-1504) мавзуси доирасида бажарилган.

---

<sup>3</sup> Адабиётлар диссертациянинг «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати» қисмида келтирилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистонда ижтимоий соҳанинг статик ҳолатидан – динамик (фаол) ўзгаришлар фазасига ўтишининг функционал ва социомаданий хусусиятлари ҳамда фуқаролик жамиятини барпо қилишдаги ўрнини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

«Ижтимоий соҳа» тушунчасини асослаш;

ижтимоий соҳа механизми, унинг динамик ўзгаришларига импульс берувчи омилларни аниқлаш;

социал соҳанинг халқаро меъёрий-ҳуқуқий асослари ва индикаторларини аниқлаш, ривожланган мамлакатлар тажрибасига мос халқаро ва миллий тажрибани уйғунлаштириш йўналишларини белгилаш;

аҳоли турмуш даражасини ошириш, шаҳар ва қишлоқ ҳаётини уйғунлаштириш, аҳоли таркибидаги ўзгаришларнинг социал соҳа динамикасидаги ўрни ва ролини очиқ бериш;

Ўзбекистонда аҳоли турмуш даражасини ошириш мақсадида амалга оширилган ислоҳотлар таҳлилин бериш;

жамият ижтимоий соҳасини ривожлантириш истиқболларини прогностлаш;

ижтимоий соҳадаги ислоҳотлар стратегиясини белгилашга доир илмий-амалий таклиф ва тавсиялар, хулосалар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** – Ўзбекистонда жамиятни модернизациялаш шароитида ижтимоий соҳа ўзгаришлари.

**Тадқиқотнинг предмети** Ўзбекистонда ижтимоий соҳа динамикаси хусусиятлари ва жараёнларидан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда тарихийлик, мантиқийлик, тизимлилик, ўзаро алоқадорлик, қиёсий таҳлил, сўровнома, эксперт сўрови, интервью каби тадқиқот ва таҳлил усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ижтимоий соҳани реал талаблар асосида умумэтироф этилган халқаро стандартлар даражасига кўтариш, хусусан эҳтиёжманд шахслар ва оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, тиббий суғурта тизимини муттасил жорий этиш, аёлларга иш ҳақи тўлашда тенгликни таъминлаш, мажбурий меҳнат кўринишларини баратараф этишнинг социал механизмлари асослаб берилган;

бугунги кунда мамлакатимизда шаҳар ва қишлоқ социал ҳаётининг тез суръатларда уйғунлашуви жамият ижтимоий ривожланишини янги босқичга кўтаришнинг инновацион ва индустриал омили бўлаётганлиги фактологик кўрсатиб берилган;

ижтимоий соҳа ўзгаришларининг муҳим йўналишлари, хусусан аҳоли бандлигини таъминлаш, иш ўринлари яратиш орқали ишсизликни камайтириш, шунингдек олий таълим тизимини янгилаш орқали иқтисодийнинг реал сектори ва социал тараққиёт талабларини узоқ

муддатли прогнозлаш воситасида зарур мутахассислар тайёрлашнинг инновацион ечимлари асослангилан;

ижтимоий соҳанинг регионал жиҳатлари, хусусан хуудлар социал ҳаётини интенсифлашуви даврида урбанизация ва миграция жараёнларини оптималлаштириш, аҳолининг, айниқса ёшларнинг юз бераётган ўзгаришларга тайёрлигини социологик моделлаштириш орқали ижобий таъсир кўрсатиш услублари далилланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

жамиятимизда ижтимоий соҳанинг тенденциялари, унинг ўзгарувчанлигини таъминлаш дастури таклиф этилган;

ижтимоий соҳани трансформациялашуви, бунда глобаллашув жараёнларининг таъсирини оптималлаштириш бўйича тавсиялар берилган;

Ўзбекистонда ижтимоий соҳа динамикасининг механизмларини шаҳар ва қишлоқ ҳаётини уйғунлашуви асосида яхшилаш механизмлари ишлаб чиқилган;

ижтимоий соҳа динамикасини прогнозлашнинг айрим тажрибалари ушбу соҳа стратегиясини белгилаш омили сифатида тавсия этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончилиги ишда қўлланилган усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий ёндашувлар расмий манбалардан олингани, ўтказилган социологик сўровноманинг анкета, интервью ва эксперт сўров шаклларига асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг вақолатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти социал соҳа динамикаси ҳодисасининг замонавий хусусиятлари ва концептуал асосларини қиёсий (глобал-миллий) ва функционал таҳлил этилганлиги ҳамда унинг натижаларидан ушбу йўналишдаги тадқиқотларни олиб боришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертациянинг хулоса ва тавсияларидан мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида хуудий бошқарув ва ҳокимият органлари фаолияти, шунингдек сиёсий партиялар (Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ва б.) хуудий бўлимлари ишини такомиллаштиришга хизмат қилиши билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистонда ижтимоий соҳа динамикаси бўйича олинган натижалар асосида:

ижтимоий соҳа даражаси ва сифатининг халқаро стандартларига эришиш, хусусан мактабгача таълим муассасаларини, аҳолининг муҳтож қатламларига мўлжалланган уй-жойлар комплексларини барпо этиш, ижтимоий ёрдам, таъминот ва хизмат кўрсатиш тизимини

оптималлаштириш, аёлларга иш ҳақи тўлашда тенгликни таъминлаш, мажбурий меҳнат кўринишларини баратараф этиш, малакали тиббий ёрдам тизимини яхшилаш, иш ўринларини яратишнинг инновацион механизмларига оид тавсиялардан Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг комплекс социологик тадқиқот саволномасини ишлаб чиқишда, шунингдек ижтимоий соҳани ривожлантиришда давлат дастурларининг индикатор кўрсаткичлари Жиззах вилояти мисолида илмий жиҳатдан тизимли таҳлил қилишда фойдаланилган (ФЖШМҚМИ нинг 2018 йил 31 июлдаги №11/348-сон маълумотномаси). Бу мамлакатимизда ижтимоий соҳа муаммолари сектори ва йўналишларини белгилашга доир жамоатчилик фикрини ўрганиш механизмларини такомиллаштириш имконини берган;

мамлакатимизда шаҳар ва қишлоқ социал ҳаётининг тез суръатларда уйғунлашуви жамият социал соҳаси динамикасининг бугунги кунга хос кўрсаткичи оид хулосалардан Республика маънавият ва маърифат марказининг «Глобаллашув шароитида жамият ҳаётини демократлаштириш жараёнидаги маънавий-ахлоқий кадриятлар ривожини тадқиқ этиш» мавзусида берилган грант лойиҳасини (грант рақами ПЗ-20170930396) бажаришда фойдаланилган (Республика маънавият ва маърифат Марказининг 2018 йил 12 сентябрдаги 01/02-сон маълумотномаси). Ушбу таклифлар ижтимоий соҳа билан маданий-маърифий соҳа уйғунлиги ва самарадорлигига эришиш бўйича инновацион ёндашувлар ишлаб чиқишга хизмат қилган;

ижтимоий соҳа ривожининг истиқболли тенденциялари, хусусан «ақлли шаҳарлар» барпо этилиши орқали одамларнинг кундалик ҳаёти учун зарур бўлган қўлайликлар яратишда замонавий сервис ва ижтимоий хизмат кўрсатишни яхшилаш, компьютерлаштирилган ижтимоий объектлар (мактаблар, тиббиёт масканлари ва б.) барпо этиш каби инновацион ечимларига оид хулосалардан Ўзбекистон Миллий тикланиш ДП Марказий Кенгашининг 2018 йил учун қабул қилинган фаолият платформасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий тикланиш ДП МК нинг 2018 йил 27 мартдаги 01-189-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши мақсадли дастурлар орқали оммавий тадбирлар ўтказиш методикасини яхшилашга таъсир кўрсатган;

ижтимоий соҳанинг худудлар социал ҳаёти интенсивлашувида урбанизация ва миграция жараёнларини оптималлаштириш, шунингдек халқаро ёшлар фестиваллари, оммавий спорт ва турли маданий тадбирлар ташкил этиш орқали ёшларнинг юз бераётган глобал ўзгаришларга мослашувини таъминлашга оид хулоса ва тавсиялардан «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш Марказининг тадқиқотларида фойдаланилган («Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш Марказининг 2018 йил 9 ноябрдаги 01-16/355-сон маълумотномаси).

Натижада, талаба ёшлар, шунингдек, иш билан таъминланмаган, уюлмаган ёшлар ўртасида тарғибот ишлари самарадорлигига эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро, 8 та республика илмий-амалий конференцияларида маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола (12 та республика, 2 та хорижий журналларда) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати» ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 138 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, методлари, мақсади ва вазибалари аниқланган, диссертациянинг илмий янгилиги, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилинган, апробацияси, нашр этилган ишлар, тадқиқотнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Жамият ижтимоий соҳасининг методологик таҳлили**» деб номланган биринчи бобида жамият ижтимоий соҳасининг мазмун-моҳияти, «ижтимоий соҳа» тушунчаси, унинг тарихий ўзгарувчан характери, ижтимоий соҳа ривожининг замонавий тенденциялари таснифлари тадқиқ этилган.

Жамият, унинг ижтимоий соҳаси, ўзгаришлари динамикаси ҳақидаги фикрлар кўплаб назарийчи социологлар томонидан ривожлантирилган. Лекин бугунги мураккаблашиб бораётган даврда жамият ҳолатини ифодалаб бериш осон эмас. Бунда маълум динамик мураккаблик ҳолатидаги жамиятда мавжуд социал институтларнинг кенг миқёсли фаолияти натижасида юз бераётган воқеа ва ҳодисаларни англай билиш муҳимдир. Дарҳақиқат, жамиятнинг ривожланиши доимо раво бўлмай, юз бераётган воқеа ва ҳодисалар айнан социал субъектларнинг турли-туман хатти-ҳаракатларига чамбарчас боғлиқ.

«Ижтимоий соҳа» категориясига комплекс изоҳни Ю.Е.Волков берган, унга кўра, бу соҳа «жамиятнинг аъзоси ҳисобланган ҳар бир шахснинг яшаш тарзи ва шарт-шароитини қамраб олувчи йирик социал тизим ҳисобланиб, бу

тизимнинг вужудга келишидаги асосий омил социал муносабатлардир»<sup>4</sup>. Бу соҳада кишиларнинг эҳтиёж ва қизиқишлари бир бутун социумнинг қизиқиш ва эҳтиёжларига мувофиқ келади. О.Грачевнинг фикрича, «ижтимоий соҳа» категорияси аҳолига бевосита хизмат кўрсатиш соҳалари -таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя, маданият, жисмоний маданият, спорт ва бошқа шу кабиларнинг мажмуаси сифатида изоҳланади<sup>5</sup>. Лекин, ижтимоий соҳа биргина инфраструктурадан иборат эмас. Ижтимоий соҳа ижтимоий инфраструктура объектлари томонидан амалга ошириладиган барча хизмат ва ишларнинг мажмуасига кўра кенг жабҳага эга. Шу маънода, «ижтимоий соҳа» категориясига таъриф беришда интегратив ёндашув зарур, унинг таркибига социал структура, инфраструктура, бошқарув ва шахснинг ўзини намоён этиши каби таркибий қисмларни киритишни таклиф этишадик, бунда «ижтимоий соҳа ўзини ижтимоий инфраструктурада шунингдек, индивидларнинг фаолияти, ўзаро мулоқоти, ўзаро алоқадорлиги ва кўплаб социал алоқалари реал тарзда амалга ошадиган социал фазода намоён этади»<sup>6</sup>.

Бизнинг фикримизча, ижтимоий соҳа ўзида мураккаб тузилмани намоён этиб, у ўзига социал структурани, социал қизиқишларни, кадрият ва нормаларни, шунингдек, ижтимоий инфраструктурани, ижтимоий бошқарув институтлари ва кишиларнинг яшаш тарзини қамраб олади. Бундай ёндашув ижтимоий соҳанинг, аввало, иқтисодий соҳа, кейин эса сиёсий ва маънавий соҳалар билан ўзаро боғлиқлигини ифодалаб, барча ижтимоий муносабатларга таъсир кўрсатувчи фаол соҳа сифатида намоён бўлади.

Ижтимоий соҳани таҳлил қилишда «ижтимоий соҳа сифати» тушунчасига ҳам алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Зеро, ижтимоий соҳа сифати мазкур соҳанинг стратегик тараққиёт кўрсаткичи ҳисобланади. Бизга маълумки, ижтимоий соҳа сифати унда амал қилувчи функцияларга қараб белгиланади. Бунда учта асосий сифатий даражалар муҳим аҳамият касб этади: 1) қуйи даража, устунлик қилувчи функция – ҳаёт учун кураш; 2) ўрта даража, бунда устунлик қилувчи функция – адаптация; 3) юқори даража, устунлик қилувчи функция – ўзини-ўзи намоён қилиш<sup>7</sup>.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, ижтимоий соҳанинг жамиятнинг бошқа соҳалари, хусусан, ишлаб чиқиш соҳасидан фарқи инсоннинг восита эмас, балки мақсад мақомида бўлишидир. Айнан инсоннинг мақсад сифатидаги мақоми ижтимоий соҳани сиёсий, ҳуқуқий, диний, ахлоқий соҳалардан ажратиб туради. Масалан, ахлоқ соҳасини олайлик. Гарчи,

---

<sup>4</sup> Волков Ю.Е. Социальные отношения и социальная сфера // Социологические исследования. - 2003. - №4. - С. 34-42.

<sup>5</sup> Грачева О. Место социальной поддержки населения в региональной социальной политике: методологический аспект // Человек и труд. -2008. - №1. - С. 9-12.

<sup>6</sup> Бойко С.В., Оганян К.М., Каверин Б.И. и др. Социально-антропологический анализ качества жизни. Череповец: ИНЖЭКОН-Череповец, 2007. -С.8.

<sup>7</sup> Лаврентьева, И. П. Социальная политика и управление в социальной сфере: учебное пособие /. -Ульяновск: УлГТУ, 2009. -С.5.

девиант хулқ-атвор эгаси бўлган банги ахлоқ соҳасида қораланишга лойиқ кўрилсада, ижтимоий соҳада у психотерапевтик, психокоррекцион ёрдамга мухтож субъект, деб қаралади. Иккинчи фарқли жиҳат шуки, ижтимоий соҳада инсон ўз эҳтиёж ва мойилликлари мажмуи билан бирга яхлит шахс сифатида қабул қилинади. Учинчи жиҳат шуки, ижтимоий соҳа инсон индивидини уни ҳурмат ва эҳтиром қилишга қаратилганлиги билан характерланади. «Ҳамма нарса ишлаб чиқариш учун» – бу ишлаб чиқариш соҳасини ифодаласа, «Ҳамма нарса инсон учун» – ижтимоий соҳани ўзида акс эттиради.

Диссертациянинг «Ўзбекистонда ижтимоий соҳа ўзгаришларининг хусусиятлари ва йўналишлари» деб номланган иккинчи бобида ижтимоий соҳа механизмининг меъёрий-ҳуқуқий асослари, уни ривожлантиришда миллий ва халқаро тажрибани уйғунлаштириш, аҳоли таркибидаги ўзгаришларнинг одамлар турмуш тарзига таъсири билан боғлиқ муаммолар таҳлил қилинган.

Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришгач, кўплаб халқаро ҳужжатларни имзолаган ҳолда, уларнинг жамиятимизда қонуний кучга эга бўлишини таъминлади. Мазкур жараён, албатта, ижтимоий соҳа ички механизмини янада мукаммаллаштириш ислоҳотлари билан боғлиқ. Хусусан, БМТнинг ижтимоий соҳани ривожлантириш борасидаги бир нечта халқаро ҳужжатлари кучга кирди. 1986 йил 4 декабрда БМТ Бош ассамблеясида қабул қилинган Ривожланиш ҳуқуқи тўғрисидаги Декларацияда «Ривожланиш ҳар томонлама иқтисодий, ижтимоий, маданий ва сиёсий жараён ҳисобланиб, у аҳолининг фаровонлигини муттасил равишда ошириб бориши ва унинг аъзолари тенг ҳуқуқли фаол равишда иштирок этиши, яратилган бойликларни адолатли тақсимланишини таъминлашга йўналтириши лозимдир», дейилган. Декларациянинг 8-моддасида белгиланганидек, «Бу жараёнда давлат миллий даражада ривожланиш ҳуқуқи учун барча зарур чора-тадбирларни қўллаши ва шарт-шароитларни таъминлаши, хусусан, асосий ресурслар, таълим, соғлиқни сақлаш, овқатланиш, турар-жой, бандлик ва бойликларнинг адолатли тақсимланиши кабиларда барча учун тенг имкониятлар яратилишини таъминлаши лозим»<sup>8</sup>.

БМТнинг 2000 йил сентябрдаги саммитида қабул қилинган Минг йиллик ривожланиш Декларацияси ҳам жамиятни ижтимоий ривожлантириш ва инсон тараққиёти масаласида муҳим халқаро ҳужжат ҳисобланади. Бу декларация қамровига кирувчи Минг йиллик ривожланиш мақсадлари (МРМ)да жамият ва инсоннинг ривожланиши борасида қўлга киритилаётган дунёвий ютуқларни ўрганиш ва мониторинг қилиш бўйича комплекс чораларни кўриш таклиф этилган<sup>9</sup>.

<sup>8</sup> Ўзбекистон присоединился к Декларации постановлением Олий Мажлиса Республики Узбекистан от 30 августа 1997 года №504-1 // Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан. 1997, № 9, ст. 260

<sup>9</sup> В Узбекистане доклад по Целям развития тысячелетия был впервые опубликован в 2006 году. [www.undp.uz](http://www.undp.uz)

Маълумки, инсоннинг ривожланиши ва унинг ҳуқуқлари бир-бирини тўлдириб турувчи жиҳатлардир. Уларнинг ҳар иккаласида ҳам турли восита ва механизмлар қўлланилсада, бироқ ягона стратегик мақсад – кишиларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини яхшилашга йўналтирилган. Шу маънода, инсон ҳуқуқлари борасидаги халқаро битимлар тизимида 1948 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси асосий ўринни эгаллайди. Инсон ривожланиши принципи Декларациянинг 25-моддасида ўз аксини топган, унга кўра, ҳар бир инсонга озиқ-овқат, кийим-кечак, турар-жой, тиббий ёрдам ва зарур социал хизматни қамраб олувчи ҳаёт даражасини таъминланиши, бу эса ҳар бир инсон ва унинг оиласининг фаровонлиги ва соғлиғини таъминлаши лозим».

1966 йилда қабул қилинган Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт<sup>10</sup> ҳам инсон ҳуқуқлари ва унинг ривожланиши учун муҳим ҳуқуқий асосни яратади. Инсоннинг етарлича озиқ-овқат, кийим-кечак, турар-жой ва муттасил яхшиланиб боровчи шарт-шароитларни ўзида мужассамлаштирган ҳаёт даражасига эга бўлиш ҳуқуқи Пактнинг 11-моддасида ўз аксини топган. Аёлларга нисбатан камситишнинг барча кўринишларини бартараф этиш тўғрисидаги халқаро Конвенция<sup>11</sup> иштирокчи давлатларнинг ҳар бирини аёлларга нисбатан камситишларни бартараф этган ҳолда, уларнинг таълим, соғлиқни сақлаш, бандлик, ижтимоий ва иқтисодий ҳаётнинг бошқа соҳаларида эркаклар билан тенг ҳуқуқлилигини таъминлаб беришни масъул қилади. 2006 йилда қабул қилинган Ногиронларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция ва Факультатив протокол аҳолининг ёрдамга муҳтож, алоҳида эътибор талаб этувчи тоифасига кирувчи кишилар – ногиронларга бўлган муносабатларни ўзгартиришни назарда тутади.

Жамиятнинг ижтимоий соҳасини ривожлантириш ва инсон тараққиёти борасида қабул қилинган ҳужжатлар орасида Халқаро Меҳнат Ташкилоти (ХМТ)нинг ҳужжатлари ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Бандлик ва меҳнат қилиш соҳасидаги камситилишларга оид Конвенция (1958 йил)<sup>12</sup> аъзо давлатлардан меҳнат ва бандликни таъминлашда тенг имкониятларни яратиш, бу жараёнда ирқи, танасининг ранги, жинси, дини, сиёсий қарашлари, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши билан боғлиқ барча камситилишларни бартараф этиш бўйича миллий социал сиёсатни амалга оширишни талаб этади.

Ўзбекистон БМТнинг юқорида номлари келтирилган барча ҳужжатларни имзолаган, уларда белгиланган социал соҳага оид фундаментал *Инсон тараққиёти индикаторлари* мамлакатимизни

<sup>10</sup> Ўзбекистон ратифицировало Пакт постановлением Олий Мажлиса Республика Узбекистан от 31.08.1995 г. № 126-I // Ведомости Олий Мажлиса Республика Узбекистан. 1995, № 9, ст. 201

<sup>11</sup> Ўзбекистон ратифицировало Конвенцию постановлением Олий Мажлиса Республика Узбекистан от 06.05.1995 г. № 87-I // Ведомости Олий Мажлиса Республика Узбекистан. 1995 г., № 6

<sup>12</sup> Ўзбекистон ратифицировало Конвенцию постановлением Олий Мажлиса Республика Узбекистан от 30.08.1997 г. № 499-I // Ведомости Олий Мажлиса Республика Узбекистан. 1997 г., № 9, ст. 255

ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида, хусусан, ижтимоий соҳага оид қисмида ўзининг тўлиқ ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикасининг Европа Иттифоқи билан ҳамкорлиги чуқурлашиб бориши натижасида икки томонлама кенг қамровли алоқалар йўлга қўйилди. Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳамкорлик, ўз навбатида, жамиятнинг ижтимоий соҳасини ривожлантиришга ҳам йўналтирилган. 1996 йилда Ўзбекистон ва Европа иттифоқи ўртасида Ҳамкорлик ва шериклик тўғрисида битим имзоланиб, 1999 йил 1 июлдан Ўзбекистон Республикаси Парламенти томонидан ратификация қилинган, мазкур битим кучга кирди. Бу битим, ўз моҳиятига кўра, 1975 йилда қабул қилинган Хельсинки Акти ва 1990 йилда қабул қилинган Париж Хартиясини ҳам қамраб олади. Мазкур битим 102 моддадан иборат бўлиб, унда ижтимоий соҳани ривожлантириш масалалари, жумладан, аҳолини социал ҳимоялаш ва иш билан таъминлаш, соғлиқни сақлаш ва таълим каби муҳим жиҳатларни ўз ичига олади.

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларда ижтимоий соҳани ривожлантириш механизмларида, аввало, халқаро аҳамиятга эга бўлган нормаларга устувор аҳамият берилаётганлиги диссертацияда алоҳида таъкидланган. Ижтимоий соҳа модернизациясининг яна бир муҳим омили кишиларнинг ижтимоий қафолатларини юридик жиҳатдан мустақкамлаб қўядиган аниқ-равшан қонун ва янги норматив ҳужжатлардир. Табиийки, ҳозирда аҳолининг бандлиги, иш билан таъминлаш, соғлиқни сақлаш, таълим олиш ва саводхонлик даражаси, етарли даражада ижтимоий таъминот ва ижтимоий ҳимоя соҳаларига оид кўплаб қонунлар қабул қилинмоқда. Фуқароларнинг меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқини таъминлашга эътибор берилмоқда.

Диссертацияда ижтимоий соҳа динамикасини баҳолаш, бу соҳа ривожланиши тенденция ва муаммоларини аниқлаш, номутаносибликлар таҳлилига оид аналитик "пакет" тавсия этилган бўлиб, у қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ижтимоий соҳа ривожланишига умумий баҳо беришнинг базавий кўрсаткичлари;
- муҳим ижтимоий параметрларни ўз ичига олган, ижтимоий соҳа ривожланиши тўғрисида адекват маълумот берувчи комплекс индекслар;
- тармоқлар бўйича ишончлилиқ ва асосланганлик даражаси мезонларига оид танланган кўрсаткичлар тизими.

Диссертацияда ижтимоий соҳа фаолиятининг социал мазмуни ва вазибалари, ташкилий тузилиши, бошқарилиши ва молиявий таъминланиши механизмини такомиллаштириш бўйича Ўзбекистонда кейинги йилларда қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар статистик кўрсаткичлар асосида таҳлил

қилинган. Мазкур соҳада кўзга кўринарли ўзгаришлар тенденцияларига кўра, муаллиф Ўзбекистонда ижтимоий соҳа статик (турғун) ҳолатдан динамик (фаол) фаза томон ўзгариш ҳолатида деб баҳолаган.

Диссертациянинг учинчи боби «**Ўзбекистонда ижтимоий соҳани ривожлантириш** муаммолари» деб номланади. Унда аҳоли турмуш даражасини ошириш мақсадида амалга оширилган ислохотлар таҳлили, замонавий уй-жой, инфраструктура, маданий масканлар мисолида шаҳар ва қишлоқ ҳаётини уйғунлаштириш сиёсати, ижтимоий соҳани ривожлантиришда давлат дастурларининг ўрни таҳлил қилинган.

Ҳар қандай жамиятнинг ижтимоий тараққиёти кўп жиҳатдан фуқаролар маънавияти, турмуш тарзи, кишиларнинг моддий, маънавий ва ижтимоий эҳтиёжларининг қай даражада қондирилишига боғлиқ. Шу боисдан ҳам «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни кескин раванқ топтириш, аҳоли бандлигини таъминлашнинг муҳим омили сифатида хизмат кўрсатиш соҳаси ва касаначиликни рағбатлантириш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Мамлакатимизда шаҳар ва қишлоқ ҳаётини уйғунлаштириш сиёсати асосида аҳолига коммунал хизматлар кўрсатишни тубдан яхшилаш, уй-жой фонди ва ижтимоий объектлардан фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг иш сифатини юксалтириш ва молиявий-иқтисодий барқарорлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аҳолининг кундалик ҳаёти, фаровонлиги, саломатлиги ва кайфиятига бевосита дахлдор мазкур масалаларга жиддий эътибор қаратилди. Айни шу мақсадда давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 18 апрелдаги «Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизимини бошқаришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги тузилиб, кўп хонадонли уй-жой фондини сақлаш ва таъмирлаш, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини мувофиқлаштириш, муҳандислик-коммуникация тармоқларини эксплуатация қилиш борасида кенг миқёсли ишлар амалга оширилди. Шунингдек, шаҳар ва қишлоқ ҳаётини уйғунлаштириш мақсадида бу ҳудудларда кўп қаватли уй-жой фонди, ижтимоий соҳа объектлари, ичимлик суви, электр энергияси, иссиқлик, табиий ва суюлтирилган газ таъминоти, кўмир етказиб бериш, санитар тозалаш каби масалаларға алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ҳозирги кунда қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини шаҳарликлар турмуш даражаси ва маданий ҳаётиға яқинлаштириш борасида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. 2018 йилнинг ўзида «Обод қишлоқ» лойиҳаси доирасида ҳар бир туманда 2 тадан, жами 286 та аҳоли пунктларида кенг

миқёсли қурилиш – тиклаш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Халқимизнинг муносиб турмуш кечериши, дам олиши, маданий ҳордиқ чиқаришига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Қишлоқда ишлаб чиқариш ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, аҳоли турмуш сифатини тубдан яхшилаш, фуқароларнинг реал даромадларини кўпайтириш, эҳтиёжманд оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг манзиллилигини ошириш долзарб масаладир. Хусусан, 2018 йилда хорижий сармоя ва маҳаллий молиявий ресурслардан фойдаланган ҳолда ижтимоий-иқтисодий ҳаётни изчил ислоҳ қилиш, диверсификациялаш ва таркибий ўзгартиришни чуқурлаштириш, янги юқори технологияли ишлаб чиқариш объектларини ривожлантириш, мавжуд ишлаб чиқаришни модернизациялаш жараёнларини жадаллаштириш ҳисобига хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатбардошлигини ошириш бўйича режалар белгиланди. Айниқса, хизматлар кўрсатиш соҳасининг жадал тараққиётини таъминлаш, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жойлар қуриш дастурини янги сифат талаблари асосида амалга ошириш, шунингдек, бюджет маблағлари ҳисобига ижтимоий инфратузилма объектларини, шу жумладан, электр, газ тармоқлари, сув қувурлари ҳамда ички йўлларни қуриш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширишни изчил давом эттириш долзарб муаммолардан ҳисобланади.

Тараққиётимизнинг ҳозирги босқичида бутун иқтисодиётда бўлгани каби, аграр тармоқда ҳам ислохотлар янгича сифат мазмунига эга бўлиб, иқтисодий тараққиётнинг энг самарали шакллари юзага чиқмоқда. Бозор иқтисодиётига ўтиш бўйича кўрилаётган тадбирлар тизимининг негизини мулкчилик муносабатларини қайта қуриш ташкил қилади. Буни амалга оширмай туриб, корхоналарнинг самарадорлигини, охир-оқибатда ижтимоий тараққиётни жадаллаштиришни таъминлаб бўлмайди. Бу жараёнлар хўжалик муносабатларида, аҳолининг ижтимоий таркибида, унинг турли табақалари даромадлари ва мулкий ҳолатида жиддий ўзгаришларни келтириб чиқариши мумкинлигини эътиборга олиб, ижтимоий кескинликка йўл қўймаслик учун мулкчиликнинг хилма-хил шакллари фаол қўллаб-қувватланиши зарур.

Муҳим ижтимоий вазифалардан бири – мулкдорлар синфини шакллантириш масаласини тубдан ҳал қилишдир. Бунда асосий мақсад – хусусий мулкчилик етакчи ўринда турадиган кўп укладли иқтисодиётни барпо этиш, унга бир қатор восита ва йўналишлар орқали эришилади. Улар орасида қишлоқларнинг обод бўлиши, аҳоли турмуш даражасининг юксалиши алоҳида аҳамиятга эга. Жаҳоннинг деярли барча мамлакатларида қишлоқ жойларда кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришга катта эътибор қаратилади. Чунки, тадбиркорлик фаолияти ҳал қилувчи иқтисодий ресурслардан бири ҳисобланиб, инсон ресурсларининг асосини ташкил қилади, умуман, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик йирик ишлаб

чиқаришга ҳаракатчанлик бахш этади, пировардида, ижтимоий фаровонликка олиб келади.

Диссертациянинг тўртинчи боби «**Ижтимоий соҳа динамикасининг социологик таҳлили ва прогнози**» деб номланади. Унда ижтимоий ҳаёт тенденцияларини ўрганишда эмпирик тадқиқотларнинг ўрни, жамият ижтимоий соҳасини ривожлантириш истиқболларини прогнозлаш муаммолари ўрганилган. Шунингдек, ижтимоий соҳадаги ислоҳотлар стратегиясини белгилаш бўйича илмий ечимлар берилган.

Сир эмаски, инсон манфаатларини рўёбга чиқаришнинг таъсирчан механизмларини яратиш ижтимоий ҳаёт ўзгаришларини эмпирик ўрганишни талаб этади. Социологларнинг фикрига кўра, эмпирик тадқиқотларни ижтимоий тараққиёт талаб ва эҳтиёжлари билан боғлиқ тарзда олиб бориш илмий изланишларга ҳаётийлик ҳамда динамизм бахш этади. Ижтимоий соҳа тараққиёти талаб ва эҳтиёжларини ўрганиш ҳам айнан эмпирик услублар воситасида амалга оширилмоғи зарур.

Ижтимоий соҳага ўзгариш, баъзан орқага кетиш ёки турғунлик, трансформация, бошқа шаклга ўтиш, ривожланиш, бир сўз билан айтганда, динамизм хос. Шу маънода, ижтимоий соҳанинг ички ва ташқи алоқалари ранг-баранглигини ифодаловчи эмпирик материаллар алоҳида аҳамият касб этади. Мазкур тадқиқотда ижтимоий сўров натижаларидан кенг фойдаланилган. «Ижтимоий соҳадаги ислоҳотлар стратегиясини белгилаш: илмий тавсиялар, лойиҳалар ва ечимлар» номли социологик сўровда 1210 нафар респондентлар иштирок этди. Уларнинг 665 нафари эркак (55%), 545 нафари (45%) аёл респондентлардан иборат.

«Сизни мамлакатда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар жараёни қанчалик қизиқтиради?» деган саволга респондентларнинг 66 фоизи «жуда қизиқтиради», деб жавоб берганлиги жамиятимизнинг бугунги жўшқин ҳаётидан далолат. Демак, ҳар уч фуқародан иккитаси ўзгаришларга бефарқ эмас. Шу билан бирга, ҳар тўртинчи фуқаро (26%) ҳаётимиздаги энг катта ўзгаришларга сабабчи бўлаётган воқеликка «Қайсидир даражада» қизиқаётганлиги алоҳида фикр туғдириши табиий. Ҳар қандай жамиятда ўзгаришлар ҳақида ўйлаб кўрмайдиган ёки улар билан қизиқмайдиган одамлар бўлиши табиий, аммо ҳар учинчи фуқаронинг фаол ижтимоий позициясида бўлмаслиги (34%) жамоатчилик фикри ва ижтимоий онгда мавжуд бефарқликнинг «инерцияси» кўриниши сифатида хавотир уйғотади. Шу билан бирга, бу ҳолат жамоатчилик фикрининг мислсиз тез ўзгараётган социал ҳодисаларга ноадекват ҳамда беқарор муносабати кўриниши бўлиши ҳам мумкин (1-расм).



1-расм

